

ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Ҳамроев Бахриддин Жумакович

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази Қуруқликдаги қўшинларни ҳаво
ҳужумидан мудофаа цикли ўқитувчиси, резервдаги подполковник.*

Аннотация: Мақолада олий ҳарбий таълим фаолиятини ахборот технологиялари асосида ташкил қилиш масалаларига эътибор қаратилган. Таълим самарадорлигини оширишда ахборот-коммуникация технологиялари муҳим восита сифатида хизмат қилиши ва компьютер технологияларининг шиддат билан ривожланиши асосида уларнинг ўқув жараёнига интенсив равишда татбиқ этилиши таълим тизимида том маънодаги ижобий ўзгаришларга олиб келиши ифодаланган.

Калит сўзлар: таълим, компьютер, рақамлаштириш, коммуникация, ахборот-коммуникация технологиялари, видеопроектор, махсус экран, видео камера, веб-камера, сканер, принтер, интернет.

Ахборот технологиялари бизнинг ҳаётимизга тобора кўпроқ кириб бормокда, барча соҳаларга (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий) кириб бормокда ва уларни алмаштирмоқда ёки ривожланишига ёрдам бермоқда, бу турли соҳаларда маълумотни тақдим этиш ва таҳлил қилишнинг осонлаштиради

Ахборот технологиясини турли тузилмаларнинг ривожланиши деб тушуниш мумкин ва бу атама кўп соҳаларда қўлланилади.

Ахборот технологиялари - билимларни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш учун компьютерлардан фойдаланиш, шунингдек маълумотларни яратиш, ёзиш, қайта ишлаш ва тарқатиш усуллари. Замонавий жамиятда ахборот технологияларидан фойдаланиш иқтисодиётнинг марказий омили, ахборот инқилобининг асоси бўлиб, унинг доирасида ахборотни қайта ишлаш қобилиятининг ўзи бойликдир [1].

Мазкур йўналишда таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ва тармоқли инфратузилмани ривожлантириш, таълим жараёнига ахборот-Коммуникация технологияларини татбиқ этиш ва шу асосда ўқитишнинг янги усуллари яратиш, шунингдек таълим ва тарбия жараёнларининг рақамлаштирилган тизимини йўлга қўйиш каби масалаларни ҳал этиш зарурати пайдо бўлмоқда. Ушбу муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш ҳар бир олий ҳарбий таълим муассасаси олдида ўзига хос талабларни қўяди.

Коммуникация сўзи латин тилидан (*communicatio*) олинган бўлиб

ахборотларни узатиш деган маънони англатади.

Ахборот-Коммуникация технологиялари (АКТ) – маълумотларни ўзида тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш воситалари орқали барча соҳаларда кескин ривожланишга имкон яратиб берувчи технология ҳисобланади. Бу технологиянинг асосини ахборот ва уларни қайта ишлаш воситалари (асосан компьютер, планшет, мобил воситалари, ақлли қўл соатлари ва ҳ.к.з.) ташкил қилади. Бу технологиядан ҳозирги вақтда деярли барча соҳаларда кенг фойдаланиб келинмоқда. Шу жумладан таълим-тарбия жараёнларида ҳам.

Кейинги йилларда таълим жараёнини рақамлаштиришга катта эътибор берилмоқда, чунки замонавий ўқитиш технологияларидан дарс жараёнида фойдаланиш катта ижобий натижалар бериб келмоқда. Таълим жараёнини рақамлаштириш ёки ахборот-Коммуникация технологияларидан фойдаланиш дастурига қуйидагиларни киритиш мумкин:

таълим тизимининг барча поғоналарида ахборотлаштиришни етакчи бўғин эканлигини таъминлаш;

барча соҳалар бўйича билим беришда ахборотлаштиришни ривожлантиришни лойиҳалаш ва яратиш;

техник таъминот – компьютерлар, ахборот технологиясининг бошқа қурилмалари билан таъминлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш;

телеКоммуникация тармоқлари;

алоқанинг шаклига кўра локал ёки корпоратив тармоқларини таъминлаш;

таъминот ресурслари (дастурий таъминот, интернетдаги ахборотлар мажмуи, маълумотномалар ва ҳ. к.);

таълим муассасаси ўқитувчиларини ахборот-коммуникатсия технологиялари бўйича билимларини ривожлантириш (ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш малака ва қўникмаларини шакллантириш) .

Бугунги кунда таълим жараёнига ахборот-Коммуникация технологиялари (АКТ) шиддат билан кириб келиши билан бирга, у таълимнинг самарадорлигини оширишда энг қулай омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам илғор мамлакатлар таълим тизимида компьютер техникасидан, замонавий ахборот-Коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишга қаратилган изланишлар тўхтовсиз кечмоқда.

Таълим тизимига ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион ғояларни татбиқ этиш йўналишида қатор хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан таълим тизимини такомиллаштириш масалалари, таълим менежментнинг назарий ва методологик асослари, шунингдек таълим тизимида ахборот технологияларини қўллаш усуллари бағишланган бар қанча илмий-тадқиқот ишлар қилинганлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, олий таълимда таълим жараёнини бошқаришнинг

автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш О.А. Бубарева, илмни бошқаришни АҚШ тажрибасини ўрганган М.М. Иванов, олий таълим тизимида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг Россия тажрибасини ўрганган А. Панова бошқа тадқиқотчиларнинг илмий қарашларини келтиришимиз мумкин [2].

Шу билан биргаликда кейинги йилларда ахборот-Коммуникация технологияларини ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий ишлар А.Н. Арипов [3], кадрларни тайёрлаш, олий таълим тизимида ахборот Коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва персонални бошқаришда хорижий мамлакатлар тажрибаси масалалари Д.Н. Рахимова [4], замонавий шароитда олий таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш масалалари Б.Ю. Ходиев [5] каби республикамиздаги етакчи олимлари томонидан ўрганилган ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Республикамиздаги олий ҳарбий таълим тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этиш асосида фаолият самарадорлигига эришиш самарали фойдаланишни бугунги кунга келиб, барча олийгоҳларда муҳим масала сифатида қаралмоқда. Ўз навбатида, бу ҳолат таълимни бошқариш органлари, таълим муассасалари педагогик жамоалар олдида тегишли тайёргарлик ишларини амалга ошириш талабини қўймоқда [6].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизга маълум бўлган хорижий ва республикамиз миқёсидаги бажарилган тадқиқот натижаларидан унумли фойдаланган ҳолда олий ҳарбий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнларига ахборот-Коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш асосида фаолият самарадорлигига эришиш бугунги кунда энг долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан замонавий компьютер технологияларидан олий таълимда самарали фойдаланишга доир бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинган. Уларда асосан, ёшларимизга берилаётган билим ва кўникмаларни янгича усулларда тушунтириш назарда тутилган. Шу сабабли, айти пайтда ҳар бир ўқитувчи- педагоглардан иш фаолиятини пухта режалаштириш, қўйилган масаланинг тўлақонли ечимини топиши учун зарур бўлган ахборотларни тезкор топа олиш, ўрганилаётган объект ёки жараённинг моделини қура олиши ҳамда янги технологиялардан унумли фойдаланиши учун етарли малакаларга эга бўлиши талаб этилмоқда.

Кейинги масала таълим муассасаларидаги ахборот-Коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳисобланади [7]. Ушбу йўналиш бўйича мавжуд муаммолар сирасига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

моддий-техника базанитакомиллаштириш, маънан эскирган техникаларни янгилаш. Яъни, таълиммуассасасинизамонавий техник қурилмалар, замонавий компьютер, мобил воситалар, видеопроектор, махсус экран, телевизор, видео

камера, веб-камера, сканер, принтер, интернет, юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш;

дастурий маҳсулотлар етарли даражада эмаслигини ҳисобга олиб, уларни мультимедиа электрон дарсликлар, ўргатувчи тренажёрлар, виртуал лаборатория, техник қурилмаларнинг дастурий таъминоти, уларни ишлатиш ва ўргатиш бўйича қўлланмалар билан таъминлаш;

таълим ва тарбия жараёнларини олиб бориш, бошқариш ва мониторинг қилишни ўзида мужассамлаштирган “Таълимнинг автоматлаштирилган ахборот тизими” (электрон журнал, электрон кафедра, электрон деканат ва бошқа)ни яратиш ва ундан унумли фойдаланиш;

ўқитувчиларнинг маълум бир қисми замонавий компьютер техникаси ва технологияларидан ҳамда автоматлаштирилган таълим тизимларидан ўқув жараёнида етарли даражада фойдаланиш малакасига эга эмас. Шу сабабли олий таълим муассасаларидаги ўқитувчилар компьютер ва замонавий техникаларда мукамал ишлашни билишлари, унинг имкониятларидан ўқитиш жараёнида унумли фойдаланиш малакаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Таълим жараёнида ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга таъсир этувчи асосий омиллар ҳақида гап кетганда аввало, ўқитувчиларни компьютерда ишлашга ўргатишни икки босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи босқич – таълим муассасасида ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлиги, таълим жараёнига ахборот технологияларини татбиқ этиш бўйича билим даражасини аниқ белгилаб олиш керак. Бунинг учун таълим муассасасидаги ўқитувчи-мураббийлардан тест синовлари ёки сўровномаларни ўтказиш лозим бўлади. Бу орқали компьютер техникасидан таълим жараёнида фойдаланиш даражасига кўра қуйидагилар аниқланади:

- компьютер техникаси билан ишлашни қисман биладиганлар (унча мураккаб бўлмаган оперatsиялар бажаришни, маълум дастурларга кириш ва чиқишни биладиганлар);
- компьютер техникаси билан ишлашни яхши биладиганлар (компьютердаги дастурлар билан ишлай олувчилар, компьютердан фойдаланувчи сифатида фойдаланувчилар);
- компьютер техникасидан фойдаланишни мукамал эгаллаганлар (дастурлар билан ишлай олишдан ташқари, маълум бир тилда ўзлари истаган дастурларни туза олувчилар).

Шу сабабли биз таълим муассасасидаги компьютер саводхонлиги бўйича “компьютер техникаси билан ишлашни қисман билувчиларни” компьютер техникаси билан мулоқотни яхши биладиганлар даражасига етказишимиз лозим бўлади. Яъни ўқитувчиларга “office” дастурларида ишлаш тўлиқ ўргатилади.

Ўқитувчиларининг компьютер техникаси билан мулоқотни яхши биладиганлар даражасига етказилиши фанлардан мавзуларнинг маълум қисмини замонавий ахборот-Коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтиш, ҳозирги ахборот- Коммуникация технологиялари асосида бутун жаҳон ахборот тизими Интернетга уланиш, ундан материаллар олиш ва дарс жараёнида мазкур материаллардан фойдаланиш, мавзулар бўйича дарс машғулотларини лойиҳалаш, дастурлаштиришга имкон яратади.

Ўқитувчи мавжуд дастурлардан аввалдан режалаштирган ҳолда дарс жараёнида фойдаланиши, зарур ҳолларда дастурларга вазият тақозосига қараб айрим ўзгартиришлар киритиши, дарс жараёнида дастурларни алмаштириши ҳам мумкин. Бундай даражадаги ўқитувчига дарсга тайёргарлик, дарс жараёнида, дарсдан кейин бошқа марказлардан кўмак олишга ҳам имкони бўлади. Бу босқичнинг ҳаётга татбиқ қилиниши таълим муассасасида амалга оширилаётган таълим жараёнининг ҳозирги давр талаблари, илғор мамлакатлар таълим тизими даражасига етказиш имкониятини яратади.

Иккинчи босқичда – компьютер техникасидан ўқув жараёнида унумли фойдаланган ҳолда амалий машғулотлар ва семинар-тренинг дарслар ўтказиш ҳисобланади. Бу босқичда асосан профессионал даражада биладиганлар қисмидан фойдаланилади. Бундай ўқитувчилар гуруҳини асосан, олийгоҳлардаги “Ахборот технологиялари фанлари” кафедраларининг ўқитувчилари ташкил қилади. Улар қолган ҳар бир фан ўқитувчиларига ўзларининг фанларидан келиб чиқиб, АКТдан дарс жараёнида фойдаланиш, ўзларининг фанларидан оддий биринчи даражали электрон қўлланмаларни *.doc, *.html ва *.swf форматларида тайёрлашга ўргатишади. Кейинги навбатда, уларга мураккаб дастурлар (яъни, Macromedia Flash, Macromedia Dream-weaver, Adobe Premiere Pro, Adobe Photoshop каби)да ишлашни ўргатиш кўзланган мақсадга олиб келади. Бу босқич жуда мураккаб ва давомли жараён бўлиб, унда ҳар бир фан ўқитувчисидан катта масъулият талаб этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз лозимки, таълим жараёнида ахборот-Коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш таълим муассасаси олдида қуйидаги вазифаларни қўяди:

қулай шарт-шароитлар яратиш (моддий техника базаси, локал ва корпоратив тармоқ, зарур дастурий таъминот ва бошқа);

таълим муассасасида профессор-ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлиги, таълим жараёнига ахборот технологияларини татбиқ этиш бўйича билим даражасини ошириш;

таълим ва тарбия жараёнларини олиб бориш, бошқариш ва мониторинг қилиш жараёнларини ўзида мужассамлаштирган “Таълимнинг автоматлаштирилган ахборот тизими” (электрон журнал, электрон кафедра,

электрон деканат ва бошқа)ни яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиqlаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.
2. Отаниёзов Б. Таълим менежментининг автоматлаштирилган электрон тизими ва унинг аҳамияти. Ўзбекистон божхона ахборотномаси, 2019 йил 2-сон. 114 - 119 бет.
3. Рахимова Д.Н., Арипов А.Н. ва бошқалар. Замонавий менежмент: назария ва амалиёт. - Т.: Гофур Гулом ижодий уйи, 2011 й.
4. Рахимова Д.Н., Касимова Н. Принципы управления персоналом в Японии. Потенциал современной науки. 2016. №4 (21).
5. Ходиев Б.Ю. Совершенствование системы управления вузами в современных условиях. – Т.: Иқтисодиёт ва таълим. 2003 г.
6. Ахборот технологияларини бошқариш: Университетлар учун дарслик. // Г.А. Титоренко томонидан тахрирланган.
7. Афанасьев С.В., Ярошенко В.Н. Бошқарув учун ахборот таъминотининг самарадорлиги . - М.: Эсономиса